

**КАСИМОВА Гульяр Ахматовна,**  
Тошкент молия институти «Пенсия иши»  
кафедраси фахрий профессори;  
**САЪДУЛЛАЕВА Шохиста Ғайратжон қизи**  
Тошкент молия институти магистранти,  
Талабалар илмий жамияти аъзоси

# ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

УДК 336.1

---

## **КАСИМОВА Г.А., САЪДУЛЛАЕВА Ш. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақола аҳолини ижтимоий ҳимоялашда жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг аҳамияти ва моҳиятини ўрганишга бағишланган. Мақолада хорижий давлатлардаги давлат пенсия тизимлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: Пенсия жамғармаси, пенсия таъминоти, пенсия тизими, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий суғурта, суғурта бадаллари, даромад, назорат, инвестициялар, хавфсизлик, ижтимоий риск, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти.

---

## **КАСИМОВА Г.А., САЪДУЛЛАЕВА Ш. ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ НАКОПИТЕЛЬНОЙ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ**

Статья посвящена изучению накопительной пенсионной системы, её сущности и значению роли накопительной пенсионной системы в социальной защите граждан. В статье анализируются государственные пенсионные системы зарубежных стран. Рассматриваются вопросы совершенствования накопительной пенсионной системы в Узбекистане.

Ключевые слова: Пенсионный фонд, пенсионное обеспечение, пенсионная система, социальная защита, социальное страхование, страховые взносы, доход, контроль, инвестиции, безопасность, социальный риск, накопительная пенсионная система.

---

## **KASIMOVA G.A., SADULLAYEVA SH. ISSUES OF DEVELOPMENT OF THE ACCUMULATIVE PENSION SYSTEMS**

The article is devoted to the study of the accumulative pension system, the essence and meaning of the accumulative pension system in the social protection of citizens. In the article is analyzed the international experience of state pension systems. The issues of improving the accumulative pension system in Uzbekistan are considered.

Keywords: Pension fund, pension provision, pension system, social protection, social insurance, insurance contributions, income, control, investment, security, social risk, accumulative pension system.

**Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий таъминот бўйича ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама инobatга олган ҳолда шакллантирилди. Пенсия ва нафақалар максимал даражада фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Ҳозирги шароитда давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири - пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.**

Ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, одамларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаларидан қониқишларига эришиш, аҳолининг таъсирчан ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида биринчи кўрилаётган масала - аҳолининг реал даромадларини ошириш ва унинг турмуш даражасини яхшилаш. 2016 йилда ўртача иш ҳақи 1 миллион 300 минг сўмга яқинлашган, ўртача пенсия миқдори эса 490 минг сўмдан ошган. Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор йўналишлар асосида иш ҳақи, пенсиялар миқдорини босқичма-босқич кўтариш режалаштирилди, 2017 йилда уларнинг миқдорини камида 10 фоизга ошириш кўзда тутилди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясининг концептуал асосини инсонни ривожлантириш сиёсати билан мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларини интеграциялаш заруратининг асосланганлиги ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 февралдаги «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий

чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишида<sup>1</sup>:

– таълим, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш тизимларини, шу жумладан оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада ривожлантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидорлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринга эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

– ҳудудларни, айниқса ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туманлар ва шаҳарларни, чекка аҳоли пунктларини комплекс, жадал ривожлантириш, тижорат банкларининг фаол иштирокида янги иш ўринлари яратилишини таъминлаш ва шу асосда иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорларини босқичма-босқич кўпайтириш, аҳолининг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш белгиланди.

Жаҳонда бирдамлик ва жамғарилиш тизимларига асосланган пенсия тизимлари амал қилмоқда. Бирдамлик пенсия тизими авлодлар, иш берувчилар ва ишловчилар, юқори ва кам иш ҳақи олувчи ходимлар бирдамлигига асосланган ва «авлодлар бирдамлиги тамойили» асосида молиялаштирилади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 8-сон. 119-модда.

Бирдамлик пенсия тизими давлатга тегишли бўлиб, уни корхона ва тармоқ миқёсида ташкил этиш мумкин эмас ва умуман пенсиянинг юқори даражасининг қадрсизланишига олиб келмоқда.

Бирдамлик тизимининг муҳим жиҳати шундаки, у қайта тақсимлаш тамойилига асосланганлиги учун пенсионерлар ўртасида кам таъминланганликни жиддий камайтиради. «Авлодлар бирдамлиги тамойили»га асосланган пенсия тизимида пенсия фондларининг молиявий беқарорлиги, пенсия фондига тўланадиган тўловларни ошириш эҳтиёжи кучайиб бюджетдан трансфертларни ажратиш зарурати вужудга келди.

Ҳозирги кунга келиб, янги авлод ўзидан олдинги авлод учун сарфланаётган, ҳам мутлоқ ва ҳам нисбий кўрсаткичларда ҳажми ўсиб бораётган пенсия харажатларини «авлодлар бирдамлиги тамойили» асосида ташкил этилган давлат пенсия тизими орқали тўлай олмаяпти. Давлат пенсия фонди даромадлари ва харажатлари ҳажмлари ўртасидаги салбий фарқ миқдори ўсиб бормоқда, бу фарқ асосан давлат бюджети харажатлари ҳисобига (дотация, субвенция шаклида) қопланмоқда. Ўз навбатида, давлат бюджети харажатлари миқдорининг ортишига ва жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий беқарорлигининг вужудга келиш хавфини туғдирмоқда.

Шу сабабдан ҳам, давлат пенсия тизимини даромадлар қисмини ислоҳ қилмоқчи бўлган мамлакат ҳукуматлари уни тўғридан-тўғри тўлов ставкаларини ошириш йўли билан эмас, балки бу мақсадга эришиш учун билвосита чоралар кўриш йўлидан бормоқдалар.

Келтирилган жадвалда турли мамлакатлар учун пенсия тизимлари доирасида ҳисобланган қоплаш коэффициенти келтирилган. Ушбу кўрсаткич миллий пенсия таъминоти таркибида тақсимланувчи давлат, мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия компонентларининг роли ва

аҳамияти тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

Таҳлиллар кўрсатишича, дунёнинг аксарият мамлакатларида пенсия таъминотининг молиявий асосини тақсимланувчи давлат пенсия тизими ташкил этади. Шу билан бирга, жамғариб бориладиган пенсия тизимлари пенсияларни молиялаштиришда сезиларли аҳамият касб этиши мумкин. Умуман, ИХТТ мамлакатлари бўйича жамғариб бориладиган компонентлар қоплаш коэффициенти 25 пункт қўшса, ушбу кўрсаткич Европа Иттифоқи мамлакатлари бўйича 10 пунктга тенг<sup>1</sup>.

Жаҳон амалиётида жамғариладиган компонентлар билан қўллаб-қувватланаётган тақсимланувчи пенсия таъминоти тизимлари етакчи мавқега эга бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, миллий пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия элементларини ўзида мужассамлаштирган аралаш пенсия тизимларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Илмий адабиётлар таҳлили хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш, оптимал пенсия тизими моделини танлаш борасида илмий тортишувлар давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Айрим тадқиқотчилар пенсия таъминоти тизимининг молиявий асосини устун даражада тақсимланувчи компонентлар ташкил этиши «зарур» деб ҳисоблашса, бошқалари жамғариладиган компонентлар тарафдори ҳисобланадилар. Халқаро амалиёт кўрсатишича, аксарият мамлакатларда – тақсимланувчи давлат ҳамда мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган – аралаш пенсия тизимлари амал қилмоқда.

<sup>1</sup> Ваҳабов А.В. Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 24 март -Б.12.

**1-жадвал. Дунё мамлакатлари бўйича пенсия тизимида қоплаш коэффицентининг ўзгариши<sup>1</sup>**

| Мамлакатлар       | Давлат тақсимла нувчи пенсия тизими | Мажбурий жамғариб бориладиган тизим | Ихтиёрий жамғариб бориладиган тизим | Жами  |
|-------------------|-------------------------------------|-------------------------------------|-------------------------------------|-------|
| Бельгия           | 41,0                                | -                                   | 15,1                                | 56,1  |
| Канада            | 39,2                                | -                                   | 33,9                                | 73,1  |
| Чили              | 4,8                                 | 37,2                                | -                                   | 42,0  |
| Чехия             | 43,5                                | -                                   | 39,2                                | 82,7  |
| Германия          | 42,0                                | -                                   | 16,0                                | 58,0  |
| Ирландия          | 36,7                                | -                                   | 43,0                                | 79,7  |
| Янги Зеландия     | 40,6                                | -                                   | 14,1                                | 54,7  |
| Норвегия          | 45,7                                | 6,8                                 | 11,3                                | 63,8  |
| Швеция            | 33,9                                | 21,7                                | -                                   | 55,6  |
| Швецария          | 32,0                                | 23,1                                | -                                   | 55,1  |
| Буюк Британия     | 35,6                                | -                                   | 34,5                                | 67,1  |
| АҚШ               | 38,3                                | -                                   | 37,8                                | 76,1  |
| Россия            | 33,0                                | 2,0                                 | -                                   | 35,0  |
| Саудия Арабистони | 100,0                               | -                                   | -                                   | 100,0 |
| ЖАР               | -                                   | -                                   | 54,5                                | 54,5  |
| Европа Иттифоқи   | 47,0                                | -                                   | 10,6                                | 57,6  |
| ИХТТ              | 40,6                                | -                                   | 27,3                                | 67,9  |

Пенсия тизимининг аралаш тури молиявий барқарорлик ва тўланаётган пенсия даражаси нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади<sup>2</sup>.

“Жамғариб бориладиган пенсия” категория сифатида пул маблағларининг мақсадли жамғармаларини шакллантириш, кексалик чоғида улардан фойдаланишнинг шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иккита мажбурий пенсия тизими амал қилмоқда: асосий – бирдамлик тамойилига асосланган давлат пенсия таъминоти тизими; қўшимча – 2005 йил 1 январдан жорий этилган мажбурий жамғариб бориладиган тизим. Ўзбекистонда давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга улар-

нинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади. Бунда жамғариб бориладиган пенсия тизими давлат пенсия тизимининг муқобил шакли эмаслигини, балки уни тўлдиришини алоҳида таъкидлаш керак. Икки ҳолатда ҳам давлат кексайган шахсларга минимал пенсия ёки ижтимоий ҳимоялаш сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатади<sup>3</sup>.

Берилган расмда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг тавсифи берилган. Мазкур тизимда пенсия таъминотида давлат ва хусусий пенсия таъминоти компонентлари мутаносиблаштирилади.

Жаҳон банки ташаббуси билан аҳолининг қариши ва пенсия таъминоти муаммолари XX асрнинг 90-йиллари бошида глобал комплекс тадқиқ этилди. «Аҳоли қариши инқирознинг олдини олиш: қарияларни муҳофаза қилиш сиёсати ва иқтисодий ўсишга ёрдам» деб аталган яқунловчи маърузада жаҳонда амалда бўлган пенсия тизимлари ва уларнинг ривожланиш истиқболлари аниқ мезонлар нуқтаи назаридан баҳоланди. Пен-

<sup>1</sup> OECD Pensions at a Glance 2013: OECD and G20 Indicators // OECD Publishing. 2013. –P.364.

<sup>2</sup> Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // Труды ИСА РАН. 2008. № 38. С. 168–173.; Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // American review of public administration. 2014. № 1(44). P. 92–111.

<sup>3</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: “Иқтисодиёт”. 2013. –Б.340.

**2-жадвал. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг тавсифи**

| №  | Мезон  | Афзалликлари   | Камчиликлари  |
|----|--|--|---|
| 1. | Демографик омил                                  | Ҳар бир фуқаро учун пенсияни жамғарганлиги туфайли демографик омил таъсир этмайди                                      | -   |
| 2. | Давлат ва хусусий компонентларнинг мутаносиблиги | Тўлиқ давлат томонидан (Сингапурда), тўлиқ хусусий сектор томонидан (Чили), шунингдек «аралаш» амалга оширилиши мумкин | -   |
| 3. | Миллий иқтисодиётга боғлиқлиги                   | Ушбу модел маблағлари иқтисодиёт учун узоқ муддатли инвестиция ҳисобланади   | Иқтисодий инқироз шароитида тизимда катта йўқотишлар бўлиши мумкин    |
| 4. | Давлат бюджети билан ўзаро боғлиқлиги            | Давлат бюджети барқарорлигига таъсир кўрсатмайди   | Давлат томонидан кафолатланмайди                                      |
| 5. | Аҳолининг хабардорлиги даражаси                  | -  | Аҳоли мазкур тизимнинг молиявий ҳолатидан доим хабардор бўлиши даркор |
| 6. | Пенсия миқдоридagi фарқ                          | Юқори бадал тўлаган фуқаролар юқори пенсия олиш имкониятига эга бўладилар  | -   |

сия ислоҳотларига концептуал ёндошувлар ишлаб чиқилди ва бу соҳада айрим мамлакатлардаги амалий ишлар умумлаштирилди.

Мазкур маърузада берилган хулосага кўра, пенсия ёшидаги шахсларнинг молиявий таъминоти манфаатларини ва иқтисодий ўсишни оқилона таъминлаш учун уч кўринишдаги пенсия тизими параллел ривожланиши лозим:

- давлат томонидан бошқариладиган тақсимловчи тизим, бу тизим жами ишловчиларнинг мажбурий қатнашувини назарда тутди ва кексаларнинг қашшоқлашувига йўл қўймайди;

- хусусий бошқарувда бўлган мажбурий жамғариб бориладиган тизим;

- ихтиёрий жамғариб бориладиган тизим.

Пенсия тизимининг уч даражаси қарияларни сиёсий ва иқтисодий вазиятлардаги ҳолатлардан келиб чиқадиган хатарлардан ишончли ҳимоя қилади. Чунки бу даражалар бошқарув турлари (хусусий, давлат), молиялаштириш манбалари (капитал ва меҳнат), инвестиция стратегияларини (акция ва облигациялар) ўзаро уйғунлаштирилади.

Жаҳон банки томонидан турли мамлакатлар учун кўп даражали пенсия тизимига ўтиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан давлат тақсимот дастурларига эга бўлган ва кенг аҳоли қатламларини қамраб олинadиган мамлакатлар, шунингдек, демографик муаммолари мавжуд бўлган мамлакатлар учун биринчи қадам – давлат пенсиялари ислоҳотларини ўтказиш бўлиши керак. Бунинг учун пенсияга чиқиш ёшини ошириш, имтиёзли пенсия тайинлаш шартларини қатъийлаштириш, кечроқ пенсияга чиқишни рағбатлантирувчи шароитлар яратиш, пенсия белгилаш меъёрларини ўзгартириш ва бошқа чора-тадбирлар ўтказилиши лозим.

Иккинчи қадам – иккинчи мажбурий жамғариб бориладиган даражани яратишни назарда тутди, уни: биринчидан, давлат даражаси миқёсини аста-секин чеклаб, бадалларни иккинчи мажбурий даражага қайта тақсимлаш ёки давлат пенсияларини танланади. Бундай босқичма-босқич ўтиш Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) мамлакатларида амалга оширила бошланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш мамлакатларида, Россия Федерациясидан ташқари, Жаҳон банки тавсиялари Венгрия,

Латвия ва Қозоғистонда кўпроқ эътиборга олинган. Иккинчидан, эски тизим доирасида тўланмай йиғилиб қолган қарзларни эътироф этиш ва уларни тўлаш мажбуриятини олиш ва айна пайтда янги тизим (Чили, ва бошқа Лотин Америкаси мамлакатларида) яратилди.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлашдир. Мамлакатимизда пенсия таъминоти тизими ҳуқуқини мустаҳкамлаш, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, пенсия олувчиларга давлат пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, шунингдек кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида пенсия ислоҳотлари олиб борилди. Натижада республикаимизда 2005 йилдан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими амалиётга жорий қилинди.

Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Бугунги кунда мамлакатимизда инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши ва изчил равишда ривожланиб бориши учун қулай шарт-шароитларни яратадиган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аҳамиятга молик улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлат ва ҳукуматимиз ўз олдига қўяётган асосий мақсад эса – олиб бориладиган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида шарҳ.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида пенсия ислоҳотларини олиб боришда хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон мамлакатларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қиладиган, кексайган пайтида фуқароларга муносиб турмуш шароитларини таъминлайдиган, шу билан бирга, бозор шароитларига мос бўлган, фуқароларнинг ўз фаровонлигини таъминлашдаги масъулиятини оширишга хизмат қиладиган мукамал пенсия таъминоти тизimini шакллантириш ва унинг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари бугунги кунда пенсия тизимида олиб бориладиган ислоҳотларнинг диққат марказидаги долзарб масалалар қаторида бўлиши лозим.

Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш қуйидаги ижобий натижаларни қўлга киритиш имконини беради:

- пенсионерларнинг моддий таъминотини яхшилаш;
- аҳолининг инвестицион фаоллигини ошириш;
- давлат пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш.

Жисмоний шахсларнинг Халқ банкидаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги бадаллар миқдорига ҳисобланадиган йиллик фоизлар ставкасини қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорини сақлаб қолиш шарт.

Пенсия ёшига етмаган тақдирда ҳам жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида йиғилган пул маблағларидан соғлиғини тиклаш харажатларига мақсадли фойдаланиш ҳуқуқини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Халқ сўзи. 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 8-сон. 119-модда.
3. Аллаёров Ш.А., Тошмухамедова Д.А. Давлат пенсия таъминоти. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2015. – Б.248.
4. Абдурахмонов Қ.Х. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: “Иқтисодиёт”. 2013. –Б.340.
5. Ваҳабов А.В. Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 йил. 24 март -Б.12.
6. Касимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография. Т.: Тамаддун. 2015. -108 б.
7. OECD Pensions at a Glance 2013: OECD and G20 Indicators // OECD Publishing. 2013. –Р.364.
8. Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // Труды ИСА РАН. 2008. № 38. С. 168–173.
9. Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // American review of public administration. 2014. № 1(44). P. 92–111.